



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 16 апрель, № 79 (8141)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 апрель куни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, дунёда содир бўлаётган воқеалар сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиб бормоқда. Бундай шароитда ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий чораси озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир.

Шу боис бу йил юртимизда 7 миллион 700 минг тонна буғдой, 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштириш, ички бозорни маҳсулотлар билан узлуksиз таъминлаш мақсад қилинган.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Аввало, янги қўшилаётган 300 минг гектардан зиёд ердан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Бунинг 80 минг гектари қисқартirilган пахта ва галла майдонлари бўлиб, 254 минг нафар аҳолига очик танлов асосида берилган. Бу ҳар бир туманда қўшимча 500 гектар экин майдони, дегани.

Давлатимиз раҳбари деҳқонларни энг қийинайдиган масала сифатида уруғ топшиш ва етиштириш маҳсулотини сотиш эканини таъкидлаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимларига ҳосилдор уруғ ва кўчат навларни жойларга етказиш, маҳсулотни кафолатли сотиб олиш бўйича кўрсатмалар берди. Бунинг учун Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига қўшимча 300 миллиард сўм ажратилган бўлди.

Маҳсулот етиштириш учун яна бир манба сув омборлари атрофидаги 100 минг гектардан ортиқ ерлардир. Бу майдонларга ирригация тармоқлари тортиб, тадбиркорларни жалб этиб, мос келадиган экинлар экиш чоралари белгиланди.

Илгари фойдаланишдан чиққан 135 минг гектар ерни қайта тиклаш ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қўшимча имконият экани таъкидланди. Бугунги кунда аҳоли иктиёрида 380 минг гектар томорқа бор. Уларда мева-сабзавотлар етиштирилса, ҳам рўзгорга барака, ҳам умумий бозоримизга қўшимча маҳсулот қиради. Бунинг учун молиявий тизим ҳам бор: шу йил 21 февралда томорқа хўжалиқларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш бўйича Вазирлар Маъжамасининг қарори қабул қилинган.

Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тажрибали миришкорлар иштирокида аҳолига бозорбоп экинлар етиштиришни ўргатиш ва кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди. Бу борадаги энг катта муаммо сув таъминоти бўлиши мумкин. Шу боис сув хўжалиги вазирлигига ҳар бир маҳалла кесимида канал ва ариқларни тозалаш, сув таъминоти оғир жойларда қудуқ қазаш ва насос ўрнатиб, аҳоли томорқаларига сув етказиб бериш вазифаси қўйилди. Бу ишлар учун республика бюджетидан 50 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан яна 50 миллиард сўмдан йўналтирилиши айтилди.

Шунингдек, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши белгиланди. Унга қўра, 1 октябрга қадар 4 минг 500 километр суғориш тармоқлари тозаланади, 231 километри бетонланади, 3 мингта гидротехника иншооти таъмирланиб, 3 мингдан зиёд насос ўрнатилади, 281 та қудуқ қазилади. Агар тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилади.

2022 йил учун тижорат банкларига 2 триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари берилган. Лекин бугунги кунгача тижорат банкларига киритилган 790 миллиард сўмлик талабномадан атиги 53 фоизи, айрим ҳудудларда эса 25-30 фоизи молиялаштирилган, холос. Тижорат банкларининг бу борадаги фаолияти танқид қилиниб, қўшимча кўрсатмалар берилди.

Бошқоқли чор ва ўсимлик ёғи хом ашёсини кўпайтириш чораларига алоҳида эътибор қаратилди. Четдан олиб келинадиган кунгабоқар, соя ва бошқа мойли экинлар бўйича боғжона имтиёзлари бериш ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тақдирини билдирилди.

Йиғилиш кун тартибидеги иккинчи масала — тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга оид бўлди. Сўнгги вақтларда айрим ҳудудларда тадбиркорлар фаолиги пасайгани, улар кредит, солиқ

ва инфратузилма билан боғлиқ қийинчиликларга учраётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис давлатимиз раҳбари тадбиркорларга рағбат ва мадад бўладиган қўллаб-ташабусларни илгари сурди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига қўшимча маблағ ажратиш ҳамда молиявий ёрдамлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатма берилди. Хизматлар соҳаси учун тижорат банклари орқали тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилиши белгиланди. Бунда, кредит ставкаси, Тадбиркорлик жамғармаси компенсациясини ҳисобга олган ҳолда, 18 фоиздан ошмайди.

Шу билан бирга, вилоятларда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 300 миллион доллар ресурс берилди. Бу маблағ тадбиркорлар учун энг яхши шартлар тақдир қилган банкларга 7 йил муддатга 10 фоиз ставкада миллий валютлада жойлаштирилади. Бунда, тадбиркорларга тақдим этиладиган кредит ставкаси 14 фоиздан ошмайди.

Экспортчи корхоналарнинг муаммолари тақдир қилиниб, қўшимча имкониятлар белгиланди. Энди уларга қўшилган қиймат солиғини қайтариш бўйича соддалаштирилган механизм жорий этилиб, 80 фоиз маблағлар қўшимча текширувларсиз 7 кун ичида қайтариб берилди. Экспорт масалаларини доимий ўрганиб, уларни тежорик билан ҳал қилиш бўйича янги тизим яратилади. Узлуksиз ва доимий ишловчи штаб тузилади. "1094" рақамли "қол-марказ" ташкил этилади. Улар асосида мутасаддиар экспортчилар билан уррашиб, муаммоларини жойида ҳал қилиб боради.

Тадбиркорлик учун ер участкаларини аукционга чиқариш ҳам долзарб масала. Шу боис бу борада Вазирлар Маъжамаси ҳузурида ишчи гуруҳ тузилди. У буш ерларни "маҳаллабай" аниқлаш, профессионал ташкилотларни жалб қилиб, лойиҳаларни шакллантириш, ер участкаларини тадбиркорларга жозибдор қилиб сотиш ишларини мувофиқлаштирилади. Президентимиз 2022 йил 1 июндан тадбиркорлар учун солиқ маъмуричилиги ва текширишлар тизимини соддалаштириш вазифасини қўйди. Авваламбор, мол-мулк солиғини ҳисоблаш тизими бозор тамойилларига ўтказилганини инобатга олиб, самарасиз ишлатилаётган объектлар бўйича таъсирчан солиқ механизмини (қўшимча юқори солиқ ставкалари) қўллаш тартиби бекор қилинади.

Шунингдек, айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган тадбиркорларга қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномаси дастлабки ўрганишсиз, автоматик тарзда берилди. Жорий йилда тадбиркорлар фаолиятини текширишлар сонни ошгани қайд этилди. Асосий аралашувларнинг олдини олиш учун энди 22 та турдаги текширув фақат Бизнес-омбудсман руҳсати билан амалга оширилиши белгиланди. Рухсатнома бериш талабларини ҳам янада соддалаштириш зарурлиги таъкидланди. Умумий овқатланиш муассасалари учун санитария талабларини қайта кўриб чиқиб, эскирган талабларни бекор қилиш, етказиб бериш хизматлари билан шуғулланувчилар учун энгилликлар жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш сўнггида давлатимиз раҳбари жамоатчилик эътиборини маблағлардан оқилонга фойдаланиш масаласига қаратди. — Бугун тадбиркорлик учун жуда катта кредит маблағлари — қўшимча 500 миллион доллар ажратилмоқда. Нима учун? Чунки қанчалик қийин бўлмасин, ҳозирги мураккаб вазиятда халқимиз фаровонлигини, давлатимизнинг барқарор ривожланишини ўйлашнинг шарт. Ажратиладиган ҳар бир доллар, ҳар бир сўм — бюджетданми, банкданми — бу ҳаммаси халқнинг пули, — деди Шавкат Мирзиёев. Маблағларни ўзини оқлайдиган, одамларнинг даромадини оширадиган ва иш уринлари яратадиган лойиҳаларга йўналтириш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди. Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган иккита соҳа бўйича ҳокимлар "йўл хариталари" асосида аниқ режаларини баён қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри юртдошлар! Маданият ва санъат соҳасининг заҳматкаш ва фидойи вакиллари! Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингида бутун халқимизни мамлакатимизда илк бор нишонланаётган кутлуг айём — Маданият ва санъат ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзининг юксак ҳурматини ва савимий тилакларини изҳор этаман.

Хаммамизга аёнки, инсон қалбига олижаноб фазилатлар, эзгу ҳис-туйғуларни сингдириб, жамиятни бирлаштириш ва тараққий эттириш, халқни, Ватанни дунёга тараннум этишда маданият ва санъатнинг ўрни ва таъсири беқасбдир.

Юртимиз тарихига назар солсак, Биринчи ва Иккинчи Революция каби ноёб ҳодисалар аввало қадимий ва бой маданиятимиздан озиқланиб, ўлмас қадрият ва аёнчаларимиз асосида вужудга келганини кўраемиз. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон кўефасини шакллантириш, ўз олдимизга қўйган буюк мақсад — Учинчи Революция пойдеворини яратишда сиз, хурматли ижодкор зиялиларимиз ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқётганингизни эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрайди.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда соҳа ривожига қаратилган бир қатор қўнун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ бу борадаги ишловларнинг янги стратегияси қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарамадсан, маданият ва санъат соҳасининг моддий

техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун давлатимиз томонидан зарур маблағ ва ресурслар ажратилиб, қулай имкониятлар яратилмоқда.

Аввало, Маданият вазирлиги замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, унинг марказий ва ҳудудий тузилмалари, турли ижодий ташкилот ва уюшмалар фаолияти такомиллаштирилди. Миллий санъатимизнинг ноёб турлари тикланиб, ўнлаб янги маданият ва санъат муассасаси фаолияти йўлга қўйилди, 15 га яқин театр, музей ва кўриқхоналар ташкил этилди. Жўмла-дан, Ўзбекистон давлат филармонияси, Миллий мақом санъати ва Бахшичилик санъати марказлари, ҳудудларда намунавий мақом ва бахшичилик ансамбллари, Театр ва кино аробларини уюшмалари, "Баҳор" давлат рақс ансамбли самарали фаолият кўрсатмоқда.

Утган қисқа даврда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институти, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали, Республика музыка ва санъат коллежи ҳамда Нукус опера ва бахшичилик мактаби ташкил этилди.

Юртимизда мақом ва бахшичилик санъатлари ҳамда хунармандчилик бўйича халқаро фестиваллар мунтазам ўтказиб келинаётгани миллий маданиятимизни қайта тиклаш, Президент қарори қабул қилиниб, бу борада зарур чора-тадбирлар белгиланганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Бундан ташқари, маданият ва санъат олийгоҳлари талабаларини, нодавлат театр-студияларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иштирокчиларини рағбатлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб энг яхши лойиҳалар учун давлат грантлари ажратилади.

Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича таълим

ва нуфузини ошириш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, мамлакатимизда 15 апрель санаси Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгилангани бу йўлдаги янги қадам бўлди.

Муҳтарам юртдошлар! Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган юксак мақсад ва марраларимиз барча соҳалар қатори маданият ва санъат жабҳасида ҳам олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда.

Аввало, миллий маданиятимиз ва санъатимизда халқчиллик тамойилларини янада ошириш, уни том маънода эл-юртимизнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, энг юксак халқаро мезон ва талабларга жавоб берадиган соҳага айлантириш — энг муҳим вазифадир.

Аҳоли, аввало, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни турли бўлғунчи гоёллар, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда биз сизлар каби минглаб фидойи маданият ва санъат намояндаларига таянамиз.

Бу борада улуг маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий "ибратхона" деб таърифланган театрларимизнинг ўрни ва таъсири катта эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Утган йил декабрь ойида мамлакатимизда опера ва балет санъатини янада ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, бу борада зарур чора-тадбирлар белгиланганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Бундан ташқари, маданият ва санъат олийгоҳлари талабаларини, нодавлат театр-студияларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иштирокчиларини рағбатлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб энг яхши лойиҳалар учун давлат грантлари ажратилади.

Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича таълим

олаётган битирувчилар, шунингдек, эркин ижод билан банд бўлган расомлар фаолиятига ёрдам бериш, жумладан, ижодий устхоналар билан таъминлаш, "Устоз — шогирд" аъёнчаларини кучайтириш масаласида ҳам қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Миллий кинематография соҳасини янада ривожлантириш мақсадида яқинда тубдан таъмирланган "Ўзбекфильм" киноконцернини замонавий ускуна ва қурималар билан жиҳозлаш ва уни йирик ижодий муассасага айлантириш бўйича бошлаган ишларимизни охирига етказамиз. Кино санъатининг туризм салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб, нуфузли хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, маданият ва санъат ташкилотлари, хусусан, ҳудудлардаги маданият масканларида меҳнат қилаётган кўп миллатли ижодий ва техник жамоаларни қўллаб-қувватлаш, юксак бадиий асарлар яратишга рағбатлантириш, уларнинг эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилишлари учун зарур шароит яратиб бериш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Азиз санъаткорлар, муҳтарам соҳа фахрийлари! Сизларни кутлуг байрам — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни билан яна бир бор савимий табриқлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ва ижтимоий фаолиятингизда улкан зафарлар, хонадонларингизга тинчлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳамиша халқимиз ардоғида бўлиб юринг!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Халқимизнинг маънавияти, тафаккури миллий санъатимиз ва маданиятимизга бевосита боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда илк бор 15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни сифатида кенг нишонланмоқда.



Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маданият ва санъат ходимларига табриқи ўқиб эшиттирилди. Мамлакатимизда маданият соҳасидаги

миллий қўнчиликни тубдан такомиллаштириш, санъатимизни янада раванк топтиришга хизмат қилувчи Фармон ва қарорлар қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда бадиий жамоалар, театрлар, санъаткорлар фаолияти жадал қўллаб-қувватланмоқда.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ПРЕЗИДЕНТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТўҒРИСИДА

Ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этишга ягона ёндашувни шакллантириш, ушбу мактаблар тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим жараёнига малакали раҳбар ва педагог кадрларни жалб қилиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида: 1. Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидаги тақдирлари маъқуллансин: а) Агентлик тизимида: 2022 йил 1 сентябрга қадар вазирилик, идора ва ташкилотлар тасарруфида бўлган таълим муассасалари негизида 19 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни

ҳамда 141 та ихтисослаштирилган мактабларни 1 ва 2-иловаларга мувофиқ; 2023 йил 1 июнга қадар Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бўлган ва фаолияти туғатилган Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шарафчалари негизида 5 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ҳамда 3 та ихтисослаштирилган мактабларни 3-иловага мувофиқ ташкил этиш; б) 2022 — 2024 йилларда Агентлик тизимида 25 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни 4-иловага мувофиқ қуриш; в) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар негизида айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлари мавжуд умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш;

г) келгусида янги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларни фақат Агентлик тизимида ташкил этиш. Мазсўл вазирилик, идора ва ташкилотлар бир ой муддатда мазкур Фармоннинг 1-3-иловаларида кўрсатилган таълим ташкилотларининг мол-мулки, бино ва иншоотларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Агентлик тизимига ўтказиш чораларини кўрсин. Вазирлар Маъжамасига зарур ҳолларда, мазкур Фармоннинг 1 — 4-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақдирига асосан Агентлик тизимида ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар сонини ошириш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Киберхавфсизлик тўғрисида

Қўнчилик палатаси томонидан 2022 йил 25 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 1-модда. Ушбу Қўнуннинг мақсади

Ушбу Қўнуннинг мақсади киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

- 2-модда. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қўнчилик

Киберхавфсизлик тўғрисидаги қўнчилик ушбу Қўнун ва бошқа қўнчилик ҳужжатларидан иборатдир. Телекоммуникация тармоқлари ва алоқа каналларидаги тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг киберхавфсизлигини таъминлаш алоҳида қўнчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик тўғрисидаги қўнчилигида назарда тутилганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Киберхавфсизлик тўғрисида

←(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**киберхавфсизлик субъекти** – миллий ахборот ресурсларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича электрон ахборот хизматлари кўрсатиш, ахборотни ҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ мўайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари;

**киберҳимоя** – киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберҳужумлари аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи;

**киберҳужум** – кибермаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат;

**муҳим ахборот инфратузилмаси** – муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи;

**муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари** – давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, мудофаа, давлат хавфсизлигини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёқили-энергетика мажмуи (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металлургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаз қилиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва ижтимоий соҳада қўланиладиган ахборотлаштирилш тизимлари; **муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари** – давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек мулк, ижара ҳуқуқлари асосида ёки бошқа қонуний асосларда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига эгалик қилувчи юридик шахслар, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ишлашини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи юридик шахслар ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорлар.

**4-модда. Киберхавфсизлики таъминлашнинг асосий принциплари**

Киберхавфсизликини таъминлашнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

қонунийлик; кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги; киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув;

киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокининг устуворлиги;

Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликини таъминлашда халқаро ҳамкорлик учун очкидгли.

**5-модда. Қонунийлик принципи**

Киберхавфсизликини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, ушбу Қонун ва бошқа қонунийлик ҳужжатларининг талабларига оғимшай рияо этилиши ҳамда улар бажарилиши шарт.

Қонунийлик талабларини аниқ бажаришдиан ва уларга рияо этишдан ҳар қандай тарзда четга чиқиш, бунинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликнинг бузилишидир ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**6-модда. Кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги принципи**

Кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатнинг киберхавфсизлигини таъминлашда устувор ҳисобланади.

**7-модда. Киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув принципи**

Киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув маълумотларга ишлов бериш ҳамда уларни ҳимоя қилиш бўйича дастурий ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш жараёнини ташкил этиш, унинг мониторингини ва назоратини амалга оширишга қаратилган ахборот тизимларини ҳамда ресурсларини киберҳимоя қилишнинг ягона давлат тизими жорий этилган ҳолда таъминланади.

Киберхавфсизликини таъминлаш ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий, маъмурий ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини шакллантиришда ягона ёндашувлар асосида амалга оширилиши керак.

**8-модда. Киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокининг устуворлиги принципи**

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳўдуудида ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан устуворликка эга бўлади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликини таъминлашда халқаро ҳамкорлик учун очкидлиги принципи**

Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизликини таъминлаш соҳасида халқаро шартномалар доирасида халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ва уларнинг ваколатли идоралари билан халқаро ҳамкорлигини амалга оширади.

**2-боб. Киберхавфсизлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

**10-модда. Киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсати**

Киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди.

**11-модда. Киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буюи матнда ваколатли давлат органи деб юриллади).

Ваколатли давлат органининг киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатлари жўмласига куйидагилар киради:

киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш; киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунийлик ҳўжатларининг икдро этилиши устидан назоратни амалга ошириш; киберхавфсизлик ҳодисаларни юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувларни ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш;

киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни қўриш;

фавқулодда вазиятларда ахборот тизимлари ва ресурсларни киберҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги бошқа масалалар бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқиш; киберхавфсизликини таъминлашга доир ишларни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберҳужумларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир ишларни ташкил этиш;

киберхавфсизлик талабларига мувофиқ ахборот тизимлари ва ресурсларидаги аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертифициатлаштиришга доир ишларни ташкил этиш;

киберхавфсизлик соҳасида тадқиқотлар ўтказилишини ва мониторингини ташкил этиш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ягона реестрини

шакллантириш, шунингдек ушбу реестрнинг юритилишини ташкил этиш ва таъминлаш;

киберхавфсизлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида объектларни муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ягона реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш; муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир талабларни белгилаш; ахборотлаштириш объектларини ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқишга, ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга доир фаолиятни лицензиялаш;

ахборот тизимларида ҳамда ресурсларида фойдаланувчиларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қўриш; киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимларини ва ресурсларини ўрганиш ва текширишлар, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида ўрганишлар ва текширишларни амалга ошириш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига бўлган киберҳужумларга уринишларнинг олдини олишга доир режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бевосита амалга ошириш;

киберхавфсизлик бўлиnmаларининг, мустақил экспертлар хизматлари ва гуруҳларининг фаолиятини тартибга солиш, кибертаҳдидларга қарши курашиш соҳасида ҳўқуқни муҳофаз қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларини ахборот тизимлари ҳамда ресурсларида аниқланган заифликлар, кибертаҳдидлар, киберҳужумлар ва бошқа бузғунчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилиш;

ҳўқуқни муҳофаз қилувчи органларни ва муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларини муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик ҳодисаларини биргаликда текширишга жалб этиш;

киберхавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликини амалга ошириш ва кибертаҳдидларга қарши курашиш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, кибержиноятчилик бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда кибержиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги савй-ҳаракатлари бирлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кибермаконидан террорчилик, экстремистик ва бошқа қонунга хилоф фаолиятда фойдаланилишига йўл қўймаслик чораларини қўриш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш воситаларини жорий этишга доир ишларни ташкил қилиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар қўриш; муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидаги мавжуд заифликлар ва эҳтимолдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлашга, тўпलाшга ва таҳлил қилишга доир ишларни ташкил этиш; ахборот тизимлари ва ресурсларида киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражаси бўйича таснифлаш яратиш;

киберхавфсизлик объектларини киберхавфсизликини таъминлаш даражасига қўра таснифлаш;

киберхавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза ўтказиш механизмларини белгилаш;

киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини амалга оширишни баҳолаш чораларини белгилаш ва баҳолаш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаштириш мезонларини белгилаш ва тоифалаштириш;

киберхавфсизлик субъектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ҳодимларни қонунийликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш.

Ваколатли давлат органининг қонуний талабларини (қўрсатмаларини) бажариш мажбурийдир.

**12-модда. Ваколатли давлат органининг ҳўқуқлари**

Ваколатли давлат органи киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш чоғида куйидаги ҳўқуқларга эга: киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар қўриш учун мўлжалланган техник, дастурий ва аппарат-дастурий воситаларни ижарога олиш;

киберҳужумларга барҳам бериш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш учун техник қурilmалар ва хизматлардан текин фойдаланиш; давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кириш, зарур ҳўжатлар ва материаллар билан танишиш, шунингдек давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ҳамда бошқа зарур ҳўжатларни ва материалларни сўраш ҳамда олиш, уларни идентификациялашни амалга ошириш ва улардан киберхавфсизлик ҳодисалари бўйича тергов ҳаракатларида фойдаланиш;

киберхавфсизликини таъминлаш бўйича ишчи органини ташкил этиш, шунингдек ўз ваколатларининг бир қисмини унга ўтказиш; киберхавфсизлик субъектларига киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳўқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ҳамда қўрсатмалар киритиш;

киберхавфсизлик ҳўлати таъминланганлиги юзасидан давлат назорати ва текшируви вазиасини амалга ошириш мақсадида давлат органлари ҳамда ташкилотларининг, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ахборот тизимларига ва ресурсларига белгиланган тартибда тўсқинликсиз кириш ҳамда уларга уланиш, шунингдек ушбу объектлардаги ахборот тизимларининг ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларининг жорий этилишига ҳамда улардан фойдаланилишига доир маълумотларни ўрганиш; киберхавфсизликини таъминлаш бўйича мониторинг ишларини бажариш чоғида ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ёки муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига кириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ва бошқа объектларига тўсқинликсиз кириш, зарурат бўлганда қўлфлаш мосламаларини ва бошқа ашёларни бузган ҳолда кириш, бу жойларни ахборот технологиялари соҳасида жиноятлар содир этганлигга гумон қилинётган шахсларни таъйиб қилиш чоғида ёқуд у ерда жиноят содир этиляпти ёки содир этилган ёқуд ҳўқуқни муҳофаз қилувчи органлардан яширинган шахс бор деб ҳўсобилаш учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ёқуд агар кечиктириш фуқароларнинг ҳаётини ва соғлиғини таҳдид остида қолдирадиган бўлса, йилғирма тўрт соат ичнда прокурорга бу ҳақда хабар берган ҳолда, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини қўнунчиликда белгиланган тартибда қоплаган ҳолда қўздан кечкириш.

**13-модда. Ваколатли давлат органининг мажбуриятлари**

Ваколатли давлат органи киберхавфсизлик соҳасида зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш чоғида: кибержиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни қўриши; киберхавфсизлик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши; киберхавфсизлик соҳасидаги муаммолар юзасидан илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятни амалга ошириши; кибержиноятлар ҳамда киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳўқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожатлар ва маълумотларни рўйхатдан ўтказиши, улар юзасидан қўнунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида чоралар қўриши; киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини қўриши; ваколатли давлат органи ҳодимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа объектларига мулкдорлар ва улар вакилларининг розилигисиз ёки ушбу шахслар йўқлигида кирганили тўғрисидаги барча ҳўлатлар юзасидан прокурорни йилғирма тўрт соат ичнда ёзма шахлда хабардор қилиши шарт.

Ваколатли давлат органининг зиммасига қўнунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

**3-боб. Давлат органлари ва ташкилотларининг киберхавфсизликини таъминлаш борасидаги ҳўқуқ ва мажбуриятлари. Маълумотларнинг захира нусхаларини кўчириш**

**14-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг киберхавфсизликини таъминлаш борасидаги ҳўқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат органлари ва ташкилотлари куйидаги ҳўқуқларга эга: киберхавфсизликини таъминлаш мақсадида ваколатли давлат

органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, ускуналар ва технологиялардаги заифликлар тўғрисидаги ахборотни олиш; ваколатли давлат органидан киберҳужумлардан ҳимоя қилиш воситалари ва усуллари, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш йўллари тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш; киберхавфсизликини таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари:

ўз тасарруфидagi ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида оголантириши;

ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаятган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳўлатларининг олдини олиш чораларини қўриши;

ўз ахборот тизимларини ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертифициатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши;

киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт.

**15-модда. Маълумотларнинг захира нусхаларини кўчириш**

Давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурслари маълумотларининг сақланишини таъминлаш ички ахборот хавфсизлиги сиёсатида мувофиқ маълумотларнинг захира нусхаларини яратиш йўли билан амалга оширилади, уларнинг сақланиш мuddати охирги уч ойдан кам бўлмаслиги керак.

**4-боб. Киберхавфсизликини таъминлаш**

**16-модда. Киберхавфсизлик субъектларининг ҳўқуқ ва мажбуриятлари**

Киберхавфсизлик субъектлари куйидаги ҳўқуқларга эга: ўз киберхавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, ускуналар ва технологиялардаги заифликлар тўғрисидаги маълумотларни олиш; киберҳужумлардан ҳимоя қилиш воситалари ва усуллари, шунингдек уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш усуллари тўғрисида ваколатли давлат органидан маълумотлар ва маслаҳатлар олиш; ўз киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Киберхавфсизлик субъектлари:

ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қўнунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришининг бошқа қўринишларининг олдини олиши, бундай ҳўллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар қўриши;

ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни қамайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини қўриши;

содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиш, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изланишни йўқолишига йўл қўймаслик чораларини қўриш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаш;

киберхавфсизлик объектларини муҳофаз қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашиниши амалга ошириши; ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига рияо этиши; киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар қўриш механизмларининг ишлаб турушини ва киберхавфсизликини таъминлаш бўлиnmаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан ауторсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши; ваколатли давлат органига киберхавфсизликини таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳўқуқини бериши шарт.

**17-модда. Киберхавфсизлик объектларини таснифлаш**

Киберхавфсизлик объектларини таснифлаш киберхавфсизлик объектлари турининг ташкилий-техник жиҳатдан мураккаблиги даражасини аниқлашга қаратилган ташкилий тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Таснифланиши лозим бўлган киберхавфсизлик объектларининг тоифалари қўнунчиликка мувофиқ белгиланади.

**18-модда. Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза**

Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субъектларининг ташаббусига қўра амалга оширилади.

Куйидагилар киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим: давлат органларининг ахборот ресурслари; давлат органларининг ахборот тизимлари; муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари.

Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

**19-модда. Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертифициатлаштириш**

Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ҳамда ресурсларининг, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалар мажбурий тартибда сертифициатлаштирилиши лозим.

Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертифициатлаштириш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

**20-мод**



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Киберхавфсизлик тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларди).

Мухим ахборот инфратузилмаси субъектлари ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда, муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари ишининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, киберхавфсизлиқни таъминлаш учун қўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлиги таъминланиши учун масъул бўлган ходимлар қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтади.

Мухим ахборот инфратузилмаси субъекти томонидан яратилган муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тизими ваколатли давлат органининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидаги мониторинг ва киберхавфсизлик ҳодисаларини бошқариш тизимига ваколатли давлат органининг қарорига асосан уланади.

**30-модда. Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тизими**

Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тизими қуйидагилардан иборат:
ваколатли давлат органининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва бошқариш тизими;
муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тизимлари.
Киберхавфсизлиқни таъминлаш тизимидаги киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисидаги ахборотнинг тарқатилиши чекланган бўлади.
Мазкур ахборот ҳодисалар тўлиқ бартараф этилганидан кейин ошқор этилиши мумкин.

**31-модда. Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини баҳолаш**

Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини баҳолаш киберхавфсизлик соҳасидаги давлат назорати доирасида ушбу объектларнинг турли хил кибертҳадидлардан ҳимояланганлиқ ҳолатини (даражасини) аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини баҳолаш ихтисослаштирилган ташкилотлар жалб этилган ҳолда, ваколатли давлат органининг рухсати билан амалга оширилади.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Агентлик мактабларига **қабул параметрлари** бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони **24 нафардан ошмаслигини** ҳисобга олган ҳолда Агентлик томонидан белгиланади;

**2022/2023 ўқув йилида** Агентлик мактабларининг аниқ фанлар йўналишига қабул **5 — 11-синфларга**, табиий фанлар йўналишига **7 — 11-синфларга, кейинги ўқув йилларида** тегишинча **5 ва 7-синфларга** амалга оширилади;

Агентлик мактабларига ўқувчиларни қабул қилиш аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар ҳамда мантикий фикрлаш бўйича ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижаларига кўра амалга оширилади;

кириш имтиҳонлари Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш маркази томонидан халқро ташкилотлар ҳамда Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўтказилади;

рўйхати Агентлик томонидан тасдиқланадиган **халқро, минтақавий ёки асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичида ғолиб бўлган (1, 2, 3-ўрин)** умумий ўрта, ўрта махсус ва бошлангич профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ўзи таълим оладиган ҳудудда жойлашган Агентлик мактабларига умумий қабул параметрлари доирасида кириш имтиҳонисиз ўқишга қабул қилинади;

Агентлик мактабларининг таълим жараёни Агентлик томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида аниқ ва табиий фанлар билан бир қаторда **Ўзбекистон тарихи фани** чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади;
ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларга кейинчалик ўқишнинг давом эттириш учун олий таълим муассасаларини танлашда кўмаклашиш мақсадида Агентлик мактаблари директорининг ихтисослик фанлари бўйича ўринбосари лавозими ўрнига **“Мактаб маслаҳатчиси” лавозини жорий этилади;**

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқувчилар учун аутсорсинг асосида **беғул соғлом овқатланиш** ташкил этилади;

Агентлик мактабларига раҳбар ва педагог кадрларни ишга қабул қилиш **уч босқичли танлов** (саралаш босқичи, тест синови ва сўхбат) асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан ходимлар иш ҳақи фондининг **100 фоизи** миқдорида рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади.

3. Агентлик (Х.Умарова) **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** Агентлик мактабларида:

ўқув жараёни халқро таълим дастурлари асосида тайёрланган замонавий дарсликлар асосида олиб борилишини таъминласин;

ўқувчилар хорижий тилларни мукамал ўзлаштириши учун зарур шарт-шароит ва таълим муҳитини яратсин, мазкур жараёнга хорижий ҳамда маҳаллий педагог кадрларни жалб қилсин;

**сунъий интеллект, робототехника, агротехнология, нанотехнология, биотехнология, IELTS, TOEFL ва SAT** бўйича қўшимча курслар ташкил этсин;

ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, асосий ўқув дастурлари билан биргаликда **синфдан ташқари касбга йўналтирилган амалий машғулотлар** ўтказилишини йўлга қўйсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 10 ва 11-синф ўқувчиларига яқин ҳудудларда жойлашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида амалий машғулотлар ўтказиш тартибни жорий этсин;

таълим ва тарбия жараёнларига ватанпарварлик руҳи, миллий ғурур ва ифтихор, ўз халқига муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон тарихи, илмий-иқдодий ҳамда маънавий-маърифий меросга ҳурмат, ўзликни англаш, меҳнатсеварлик ва масъулиятлик, қатъият ва шижоатлилик голярини сингдирилишига алоҳида эътибор қаратсин;

ўқувчиларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар маъзун-моҳияти ва ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни чуқур англайдиган, ҳар жиҳатдан рақобатбардор, кенг дунёқараш, мустақил фикр ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш учун таъсирчан педагогик технологиялардан фойдаланиш чораларини кўрсин.

4. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Агентлик тизимига ўтказилган умумий ўрта таълим муассасаларининг саралаш имтиҳонларидан ўта олмаган ўқувчиларини халқ таълими тизимидаги бошқа умумий ўрта таълим мактабларига жойлаштириш ҳамда танловдан ўта олмаган раҳбар ва педагог кадрларни иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот-коммуникация

**7-боб. Киберхавфсизлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш**

**32-модда. Киберхавфсизлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Киберхавфсизлик субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидагилардан иборат:
киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
киберхавфсизлик субъектларига солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш;
ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маблагларини киберхавфсизлик соҳасини молиялаштириш учун жалб этишга шарт-шароитлар яратиш;
киберхавфсизлик соҳасида илмий-техника ютуқларига асосланган маҳсулотларнинг ва илгор технологияларнинг қафолатланган тарзда жорий этилишини таъминлаш мақсадига қаратилган давлат харидларини ташкил этиш;
киберхавфсизлик соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга, шунингдек уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

**33-модда. Киберхавфсизлик соҳасида илмий-техник ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш**

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан киберхавфсизлик соҳасидаги илмий-техник ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш қуйидагилар воситасида амалга оширилади:
илмий-тадқиқот, таҳриба-конструкторлик ва технологик ишларни давлат буюртмаси доирасида бажариш учун буюртмаларни жойлаштириш;
инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технолоик ишларни молиялаштириши учун киберхавфсизлик субъектларига субсидиялар ажратиш;
инновацион маҳсулотларга бўлган талабни, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) мақбуллаштирилишини рағбатлантириш;
киберхавфсизлик даражасини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширадиган, шу жумладан мавжуд илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш борасидаги инновацион фаолият билан шуғуullanадиган ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш;
киберхавфсизлик соҳасида илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни амалга ошириш ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси

технологиялари, мультимедиа ҳамда видео-қузатув воситалари билан таъминлаш — Ўзбекистон Республикасининг ијтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган маблаглар, Давлат бюджети маблаглари, Агентлик ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқро молия институтиларнинг кредитлари ва грантлари, хомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Агентлик (Х.Умарова), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) мазкур Фармоннинг 4-иловасида кўрсатилган Агентлик мактабларининг 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ијтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошент шаҳар ҳокимликлари **2022 йил 1 августга қадар** мазкур Фармоннинг 1-2-иловаларида кўрсатилган Агентлик мактабларини таъмирлаш, замонавий ўқув куроллари, ахборот-коммуникация технологиялари, мебель ва ўқув-лабораториялар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин, ўқувчиларга яшаш ва овқатланиш учун зарур шароитларни яратсин.

6. Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш **илмий-амалий маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта номлансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
Агентлик тизимидаги таълим муассасалари учун давлат таълим стандарти, ўқув режалари, таълим дастурлари ва дарслик мажмуаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаракат қилиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари битирувчиларини яқуний давлат аттестациясидан ўтказиш;

таълим соҳасидаги илгор тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ва сертификатлашни хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

раҳбар ва педагог кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш, уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда халқро ташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш курсларини ташкил этиш;

Агентлик тизимидаги таълим муассасаларини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш.

7. Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш илмий-амалий маркази тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Агентлик (Х.Умарова) **бир ой мuddатда** Марказ низоомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Марказга мулк шаклидан қатъи назар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагог кадрларининг **билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини баҳолашга рухсат этилсин.**

Белгилансинки:
а) Марказ томонидан педагог кадрларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш барча талабгорлар учун **шартнома асосида амалга оширилади;**
б) Марказ томонидан педагог кадрларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш бўйича 2 йил мuddат давомида амал қилувчи **“Илгор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ҳамда “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатлар** берилди;
в) Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг халқро миқёсда тан олинадиган “Илгор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ёки “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларига қуйидаги миқдорда қўшимча ҳақ тўланади:
“Илгор ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **50 фоиз** миқдорда;
“Устоз ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **70 фоиз** миқдорда;
“Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрларга уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **100 фоиз** миқдорда;
г) Агентлик тизимидаги таълим муассасаларига “Илгор ўқитувчи”, “Устоз ўқитувчи” ёки “Профессионал ўқитувчи” даражали сертификатни олган педагог кадрлари билан биргаликда “Йўл харитаси” 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик (Х.Умарова) бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда “Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминласин.

12. Агентликнинг;
Агентлик марказий аппарати тузилмасида соғлом овқатланишни ташкил этиш шўъбаси, ички аудит хизмати, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар билан ишлаш бўлимини очиш ва Агентликнинг умумий чекланган штат бирликлари сонини 80 нафар этиб белгилаш;

Агентлик ташкилий тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлган ва ҳар бири 4 та штат бирлигидан иборат 13 та ҳудудий бўлимларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

киберхавфсизлиқни таъминлаш билан боғлиқ давлат харидларини амалга оширишда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотга устуворлик бериш.

**34-модда. Киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш**

Давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги кадрлари салоҳиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш қуйидагилар воситасида амалга оширилиши мумкин:

киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга молиявий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳасида ўқув-услубий ва илмий-педагогик ёрдам кўрсатиш.

Мухим ахборот инфратузилмаси субъектларининг киберхавфсизлиқни таъминлаш учун масъул бўлган ходимлари халқро стандартларга ҳамда давлат стандартларига ва талабларига мувофиқ ўз малакасини доимий асосда ошириб бориши керак.

**35-модда. Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган ходимларни рағбатлантириш**

Мухим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлиқни таъминлаш учун масъул бўлган ходимларини рағбатлантириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**8-боб. Яқунловчи қондалар**

**36-модда. Киберхавфсизлик соҳасидаги халқро ҳамкорлик**

Ваколатли давлат органи киберхавфсизлик соҳасидаги халқро ҳамкорлиқни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқро шартномаларига мувофиқ халқро кибержинойятчиликка қарши курашиш масалаларига доир ахборотни

чет давлатларга ва халқро ташкилотларга сўров бўйича тақдим этади.

Халқро кибержинойятларга қарши курашиш масалаларига доир ахборот, агар бундай маълумотлар дастлабки тергов ҳаракатларига ёки суд жараёнларига тўқсинлик қилмаса ҳамда кибержуқумларни тўқтатишга, кибермақондан фойдаланилган ҳолда содир этилдиган жинойи хатти-ҳаракатларни ўз вақтида аниқлашга ва уларга барҳам беришга хизмат қилса, чет давлатларга ва халқро ташкилотларга олдндан сўровсиз берилиши мумкин.

**37-модда. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**38-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**39-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқисларга ва бекор қилишларини таъминласин.

**40-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтган кунга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 апрель
№ УРҚ—764

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ПРЕЗИДЕНТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Агентлик мактабларига **қабул параметрлари** бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони **24 нафардан ошмаслигини** ҳисобга олган ҳолда Агентлик томонидан белгиланади;

**2022/2023 ўқув йилида** Агентлик мактабларининг аниқ фанлар йўналишига қабул **5 — 11-синфларга**, табиий фанлар йўналишига **7 — 11-синфларга, кейинги ўқув йилларида** тегишинча **5 ва 7-синфларга** амалга оширилади;

Агентлик мактабларига ўқувчиларни қабул қилиш аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар ҳамда мантикий фикрлаш бўйича ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижаларига кўра амалга оширилади;

кириш имтиҳонлари Агентлик ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш маркази томонидан халқро ташкилотлар ҳамда Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўтказилади;

рўйхати Агентлик томонидан тасдиқланадиган **халқро, минтақавий ёки асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичида ғолиб бўлган (1, 2, 3-ўрин)** умумий ўрта, ўрта махсус ва бошлангич профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ўзи таълим оладиган ҳудудда жойлашган Агентлик мактабларига умумий қабул параметрлари доирасида кириш имтиҳонисиз ўқишга қабул қилинади;

Агентлик мактабларининг таълим жараёни Агентлик томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида аниқ ва табиий фанлар билан бир қаторда **Ўзбекистон тарихи фани** чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади;
ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларга кейинчалик ўқишнинг давом эттириш учун олий таълим муассасаларини танлашда кўмаклашиш мақсадида Агентлик мактаблари директорининг ихтисослик фанлари бўйича ўринбосари лавозими ўрнига **“Мактаб маслаҳатчиси” лавозини жорий этилади;**

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқувчилар учун аутсорсинг асосида **беғул соғлом овқатланиш** ташкил этилади;

Агентлик мактабларига раҳбар ва педагог кадрларни ишга қабул қилиш **уч босқичли танлов** (саралаш босқичи, тест синови ва сўхбат) асосида амалга оширилади;

Агентлик мактабларида Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан ходимлар иш ҳақи фондининг **100 фоизи** миқдорида рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилади.

3. Агентлик (Х.Умарова) **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** Агентлик мактабларида:

ўқув жараёни халқро таълим дастурлари асосида тайёрланган замонавий дарсликлар асосида олиб борилишини таъминласин;

ўқувчилар хорижий тилларни мукамал ўзлаштириши учун зарур шарт-шароит ва таълим муҳитини яратсин, мазкур жараёнга хорижий ҳамда маҳаллий педагог кадрларни жалб қилсин;

**сунъий интеллект, робототехника, агротехнология, нанотехнология, биотехнология, IELTS, TOEFL ва SAT** бўйича қўшимча курслар ташкил этсин;

ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, асосий ўқув дастурлари билан биргаликда **синфдан ташқари касбга йўналтирилган амалий машғулот**



ТАНИҚЛИ УЛАМО, ЖАМОАТ АРБОБИ НАСРИДДИН АТОЕВ



Мамлакатимиз диний соҳаси оғир жудодликка учради. Юртимизда кўп йиллар давомида исломий илм-маърифат тартиб келаётган халқимизнинг эътиборли уламо-ларидан Атоев Насриддинхон Мубинжон ўғли 2022 йил 15 апрелда, муқаддас Рамазон ойининг муборак жума кунинда 64 ёшида вафот этди.

Халқимизда эшонбобо номи билан машҳур бўлган Насриддинхон 1958 йил 15 май куни Навоий вилояти Нурота туманида туғилди. Болалигидан бошлаб имон-эътиқодли оилада тарбия топиб, диний илмларни чуқур ўрганган Н. Атоев мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўз ҳаётини диний қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб этишга бағишлаб, бу соҳада алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Олий диний билим олиш мақсадида Тошкент ислом институтига ўқишга кирди ва 1996 йили муваффақиятли тамомлади.

Насриддинхон эшонбобонинг умри ҳам илм ва ҳикматда ўтди. Илм ва эзуликка бахшида бўлган ҳаёт асларга татийди. Чунки бу инсон одамларга яхшилик улашши, муқаддас зиёратгоҳларни обод этиш, Навоий халқининг маърифати йўлида фидокорона меҳнат қилди. Зеро, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам "Сизларнинг яхшиларингиз, умри узок бўлиб, амаллари яхши бўлганингиздир", деб айтганлар.

Н. Атоев муқаддас динимиз асосларини, араб ва форс тилларини чуқур эгаллаб, 1992 — 2003 йилларда Навоий вилояти Нурота тумани "Чил устун" масжидида имом-хатиби, 2003 — 2010 йилларда вилоят бош имом-хатиби, 2010 йилдан буён вилоят фохрий имоми, шунингдек, Навоий вилояти "Чашма" табиий-меморий мажмуасига меҳр қўйиб, 2018 йилдан Навоий вилояти дирекцияси директори вазифасида фаолият юритиб келаётган эди.

Насриддинхон эшонбобо ҳаёти давомида 60 нафардан ортиқ шогирдлар етиштирган бўлиб, уларни ҳақиқий ватанпарвар сифатида жамиятга ўз ўрнини топишларига алоҳида эътибор қаратиб келди.

Диний билим ва тафаккурининг кенглиги, она юртимизга, истиқлол гоёларига садоқати, жамоат ишлари, айниқса, маънавий-маърифий тарғибот соҳасидаги фидойилиги билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлган Насриддинхон эшонбобо сўнгги йилларда диний ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, зиёратгоҳларимизни обод қилишга катта эътибор қаратиш билан бирга, ҳудуддаги аҳоли ўртасида диний-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда алоҳида фаоллик кўрсатди.

Дарҳақиқат, буюк алломаларимизнинг диний эътиқод борасидаги эзгу аъёнларига садоқат билан бутун ҳаётини муқаддас динимиз софлигини сақлаш ва ривожига бағишлаган Н. Атоев мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида обрў-эътибор қозongan эди.

Насриддин Атоевнинг тақводорлиги, гўзал ҳулиқи, шогирдлари ва сафдошларига нисбатан самимий муомаласи, ҳалисо наҳасти барчанинг қалбига чуқур ўз қолдириди.

Таниқли уламо, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин инсон қалбларинида ҳамма ҳамма сақланиб қолади. Ушбу муомалаларда марҳумнинг аҳли оиласи, яқинларига сабр тилаймиш ва чин дилдан ҳамдардик билдирамаиз.

Инна лилҳи ва инна илайҳи рожиун!  
«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита жамоаси.

Сенат қўмитасида

ҚУЛАЙ ВА ТЕНГ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИ ДИҚҚАТ-МАРКАЗДА

Авал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасига энгил саноят ва чарм санояти корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолати юзасидан қўрилган парламент сўрови натижалари ўрганилмоқда.

Шу мақсадда кеча сенаторлар М. Қодирхонова ҳамда Г. Маруфова парламент сўрови натижалари юзасидан "Ўзбекистон маънавий-маърифат санояти" уюшмаси ва унга аъзо корхоналар раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Суҳбат асосида парламент сўровида кўрсатилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳамда ҳудудлар кесимида амалга оширилган ишлар ҳусусида сўз борди.

Қолаверса, хотин-қизлар учун қўлай ва ҳавфсиз меҳнат шaroити яратилиши, улар меҳнатига муносиб иш ҳақи тўланаётгани, ишга қабул қилишда аёллар ва эркеклар учун тенг имкониятлар яратиш масалалари ҳам диққат марказида бўлди.

Ўрганиш жараёнида сенаторлар корхона раҳбарлари ва ишчи-ҳодимлари билан суҳбатлашди.

Шунингдек, мулоқотда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ тақлифлар илгари сурилди. Ушбу тақлифлар сенаторлар томонидан инобатга олинди.

«Халқ сўзи».

ҚАРОВСИЗ ҲАЙВОНЛАРНИ ВАҚТИНЧАЛИК САҚЛАШ ЖОЙЛАРИ САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг "Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида" "Меннинг фикрим" веб-портал орқали келиб тушган электрон мурожаатни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги парламент қўйи палатасининг 2019 йил 15 мартдаги тегишли қарори ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил тадбири якунлари юзасидан қўмита йиғилиши ўтказилди.

Назорат

Унда депутатлар, парламент қўйи палатаси Девони ҳодимлари, мутасадди вазирли ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юқоридаги қарорнинг тегишли бандлари ва тавсиялари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органларидан маълумотлар олинди ва таҳлил этилди. Ушбу маълумотлар юзасидан амалга оширилган ишлар Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарлари мисолида ишчи гуруҳ томонидан ҳайвонларга чиққан ҳолда ўрганилди.

Йиғилиш иштирокчиларининг айтишича, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган ахборотларда хануз ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари учраётгани жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлаётган. Асосан, Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳри, Олмалик ва Охангор туманларида бундай ҳолатлар кузатилаётгани ижтимоий тармоқлар объекти бўлиб қоляпти.

Олиб борилган парламент назорати натижаларига кўра, қарорнинг тегишли бандлари ва тавсиялари асосида жойларда мутасадди давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилганини кузатиш мумкин. Хусусан, Тошкент вилояти-

даги барча туман ва шаҳарлардаги ободонлаштириш бошқармалари таркибига назоратсиз ҳайвонларни тутиш бригадалари ташкил этилган бўлиб, ҳар бир бригадига 3 тадан, жами 66 та штат бирлиги ажратилган.

Улар тутилган ҳайвонларни ташиш учун махсус автотранспорт воситалари, темир қафаслар, асоб-анжомлар, кийим-бош ва бирламчи тиббий қутилар билан таъминланган. Бошқарма биноси ҳудудда қаровсиз қолган ит, мушук ва йиртқич ҳайвонларни вақтинча сақлаш жойлари очилган.

Шунингдек, бошқармаларда фаолият тегишли Низом асосида ташкил қилинган. Кайд этилганидек, олиб борилган ўрганиш қарорнинг тегишли бандлари ва тавсиялари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ҳали ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, қаровсиз ҳайвонларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, сонини назорат қилиш, улар учун бошпаналар ташкил этиш бўйича ҳукуматнинг тегишли қарорлари ва узоқ муддатли мақсадли дастурлари қабул қилинмагани сабабли ўрганилган жойларда аниқланган камчилик ва тизимли муаммоларни бартараф қилиш, жумладан, назоратсиз ҳайвонларни тутиш жараёни ҳамда вақтинча сақлаш



қоидаларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини белгилаш лозимлигини кўрсатмоқда.

Асосийси, бундай салбий оқибатларнинг келиб чиқишига соҳани тартибга солувчи яхлит қонун, яъни қарорда тавсия этилган "Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилмагани сабаб бўлаётган. Чунки ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик мустақамланганига қарама-қарши бу борада ҳуқуқбузарликлар сони ийланган-йилга кўпайиб борган. Хусусан, 2019 йилда 44 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилда — 105, 2021 йилда — 190 ҳамда 2022 йилнинг биринчи чора-қорда 89 ҳолатда аниқланган.

Ўрганиш жараёнларида қаровсиз ҳайвонларни вақтинчалик сақлаш жойлари санитария талабларига жавоб бермаслиги, бир кунда тутиб келтирилган юзлаб ҳайвонлар учун қафаслар етишмаслиги, натижада турли зот, жинс ва ёшдаги ҳайвонлар битта қафасда сақланиши кузатилган.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНМОҚДА?

Олий Мажлис Сенати Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг раиси Б. Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ шу кунларда Наманган вилоятида бўлиб, фермер хўжаликларига фаолияти билан яқиндан танишмоқда.

Янада аниқроқ айтсак, бу жараёнда фермер хўжаликларининг берилган имтиёзлардан фойдаланиши, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, сугурта таъминоти, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари бевосита жойларда ўрганиляпти.

Кунни кеча вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўрганишлар давомида амалга оширилгани лозим бўлган вазифалар ва белгиланган режалар тўғрисида атроф-оқибат тушунириш берилди.

Сенатор фермер хўжаликлари фаолиятига оид статистик маълумотлар юритилиши, шартномавий-ҳуқуқий масалалар ва мавжуд муаммолар, фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ҳамда тугатилиши билан боғлиқ камчиликлар, хўжаликлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши сингари қатор масалаларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Бу жараёнда устоз санъаткорлар меҳнатини қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Истеъдодли ёшлар муттаҳил қўллаб-қувватланаётгани эътиборга моликдир.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу иштирокчилар халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдек мақсадга йўналтирилганини таъкидлади.

— Соҳага кўрсатилаётган эътиборни ўз фаолиятимиз давомида доимий ҳис этмоқдамиз, — деди Сирдарё вилояти мусикали драма театри актриси Насриддин Назаров. — Булар янги спектакллари саҳналаштириш, санъаткорлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда намоён бўлмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» номидаги Давлат мукофоти

тантанали тадбирда мумтоз кўшиқ, мусиқа ижрочилиги, опера, ракс, эстрада ижрочилиги йўналишлари бўйича бир гуруҳ ижодкор ёшларга устоз санъаткорлар томонидан тантанали равишда топширилди.

— Мумтоз кўш-қўшиқлар инсон маънавий камолотида бениҳоя катта ўрин эгаллайди. Бизларга берилган бундай юксак ишончга муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз, — деди «Нихол» мукофотининг мумтоз кўшиқ ижрочилиги йўналиши бўйича совриндори Муҳлиса Машрабова.

Тантанали тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Байрам муносабати билан турли давлатлардан юборилган табриклар видеороликлар шаклида намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири. Носиржон ХАЙДАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Парламент назорати

МУРОЖААТЛАР ТАҲЛИЛИДА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЗАРУР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлигининг "Соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, улар томонидан келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, соҳага янги механизмларни жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда айна масала — фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда тўғридан кўрсатиш, тақлифларини қўллаб-қувватлаш, кўтарилган масалаларни тўлиқ ҳолисона ҳамда ўз вақтида кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратишди.

Ахборотда келтирилишича, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларига 2022 йилнинг биринчи чора-қорда жисмоний ва юридик шахслардан 6 минг 972 та, Сув хўжалиги вазирлигига 509 та, Кадастр агентлигига 8 минг 560 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг қарийб 70 фоизи қаноатлантирилган.

Маъмурият ва агентлик тизимида барча идоравий ҳужжатлар, мурожаатлар, бўйруқлар ва бошқа ички ёзишмалар Электрон ҳужжат алмасиш автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга ошириб келинаётгани,

келиб тушган мурожаатлар йўналишига кўра тезкорлик билан кўриб чиқиши амалиёти йўлга қўйилганлиги эътироф этилди.

Йиғилишда депутатлар фуқаролар муаммоларини тинглаш борасида сайёр қабуллар ўтказилганлиқ ҳолатларини ҳам таҳлил қилдилар. Хусусан, 2022 йил биринчи чора-қорда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 7 та, Сув хўжалиги вазирлиги 5 та, Кадастр агентлиги 6 та ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокда сайёр қабуллар ўтказган.

Депутатлар бундай қабуллар фуқаролар муаммоларини тизимли ҳал қилишга хизмат қилишини таъкидлаб, бу каби сайёр қабулларни мурожаатлар таҳлилидан келиб чиқиб, муаммолар кўп кузатилаётган ҳудудларда ўтказиш тақлифини илгари суришди.

Шунингдек, қўмита аъзолари мурожаатларни кўриб чиқишда сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқишни таъминлаш, ҳақиқий аҳолини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ҳамда назорат қилишнинг самарали механизмини йўлга қўйиш бўйича тақлифлар берилди.

Қизгин савол-жавобга бой ўтган тадбирда мурожаат этилган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚИШЛОҚ АҲЛИ ЎЗГАРИШЛАРДАН УМИДВОР

ҒУЗОР ТУМАНИДАГИ "ЯККАДАРАХТ" МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИГА ҚАРАШЛИ БУТОН ҚИШЛОҒИ АҲОЛИСИ НИМАДАН НОРОЗИ?

Маълумки, ушбу туманда "Шўртан газ-кимё мажмуаси" масъулияти чекланган жамияти ва "Uzbekistan GTL" заводи каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган. Айтишларича, қишлоқнинг чор тарафидан газ қазиб олинади. Бироқ шунга қарамадан, бу ердаги хонадонларда "зангори олов" ёнмай қўйганига кўп бўлган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— 24 йилдан бунён шу қишлоқда яшайман, — дейди Латифат Очилова. — Газ йўқ, кўриб турибсиз. Ёлгон бўлмасин, орада бир газ келди, адашмасам бир-икки йил яйрадик. Ундан кейин газ қувурларини кесиб ташлашди. Газ ўзимизнинг ҳудуддан чиқди, шундай ёнғинамида миноралари кўришни турсаю, Утин, тезак ёқиб кун кўрсак, одамга жуда ҳам алам қиларкан. 74 ёшим қаршлаган Гулнора мома Баратова ҳам бир муддат қишлоқ газлаштирилгани ёлга олар экан, ушунда газ қувурлари аҳолидан йилгилан маблағ эвазига сотиб олинганини таъкидлайди. — Хе йўқ-бе йўқ, туман газ таъминот бўлимида келишди-да, қувурлар кесиб кетилди. Қишлоғимизга газ олиб келгунча одамларимиз анча-мунча харажат қилган эди. Балки олиб кетган қувурлар қаергадир ишлатиб юборилгандир, лекин узоқ йиллардан бери "зангори олов"ни кўрмай яшаётганимиз бор гап.

Мулоқотда, бу соддалик, камсусун одамларнинг бирогина газисизлик масаласи қийнамаётганини, қишлоқ ҳаётида талай муаммолар йиғилиб қолганини англаймиз. — Бизда оддий қишлоқ врачлик пункти ҳам йўқ, шифокорга кўришни ёки биргина укол учун ҳам каммида 5-6 километр узоқликдаги Жарақ қишлоғига ёки туман тиббиёт бirlашмасига боришга мажбуримиз, — дейди Шойра Хушвақтова. — Хусусий шериклик асосида шахсий хонадонда очилган битта боғчага эса 20 нафар бола катнайди, холос. Қишлоқнинг аксарият болалари боғча кўрмай катта бўляпти. Шунингдек, улар қишлоқ йўлларининг нобилгидан куюниб гапирди. — Йўлларимиз ниҳоятда абгор аҳолида, меҳмон келса, уяламиз. Айниқса, мактабга

қатнаётган болалар ёгин-сочинда лой, ёзда тупроқ кечиб ўқишга қатнайди, — дейди Усмон Холбоев. — Бошланғич синф ўқувчиларининг шундай йўлларда юришини бир тасаввур қилиб кўринг! Наҳотки шунча мурожаатимиз, шикоятларимиз беиз кетаётган бўлса? Бу борада не не идоранинг эшитгани қоқдик, аммо самара йўқ... Маҳаллий раҳбарларнинг кўп қовуштириб ўтиргани ва одамлар ичига кирмагани сабабли ўрганишлар чоғида аҳолининг туман раҳбарлига ишонмай қўйгани ойдинлашди. Ҳолбуки, катта-кичик раҳбарлар ўз иш фаолиятида асосий эътиборни уйма-уй юриб, жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратиши керак эмасми?..

Қишлоқ фахрийларидан Нурхон Худойбердиев эса аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам ортиқчи масалалардан эканини айтди. — Ишонасизми, бизга ичимлик суви Қамаш туманидаги Чим қишлоғидан ташиб келтирилади, — дейди у. — Бир машина сувини 180 — 200 минг сўмга сотиб оламиз. Уни ош-овқат, кир ювиш, мол-ҳолни суғориш, қўйинги, бор рўзгор учун ишлатамиз. У эса бир ойга ҳам етмайди. Бу тўрт-беш кишилик оилалар учун. Каттароқ оилаларда харажат янада катта бўлади. Рости, ҳаммасидан ҳам кўра ичимлик суви бизга жуда қимматга тушяпти...

Халқнинг оғирини энгил қилиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига қўмақлашгани барча бўғиндаги раҳбарларнинг асосий вазифаси. Шундай экан, қишлоқ аҳолининг мурожаатларини ўрганиб бўлган, навбатма-навбат туман мутасаддиларига юздандик. — Тўғри, анча йиллар олдин Бутон қишлоғи табиий газдан баҳраманд бўлган. Ҳозирги кунда

суялтирилган газ таъминотида ўтказилган ва мутазам бериб боришмоқда, — дейди Фузор тумани газ таъминот бўлими раҳбари Шўкур Холमतов. — Кайд этиш ўринлики, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 февралдаги "2021 — 2023 йилларда Қашқадарё вилоятининг Фузор ва Якабоб туманлари маҳалларини ободонлаштириш ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида туман ҳокимининг фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, туманимиздаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги қишлоқлар 2021 — 2023 йилларда табиий газ тармоғига уланади.

Лекин бу лойиҳага Бутон қишлоғи киритилмаган. Шундай бўлса-да, бу қишлоқ ҳам эътибордан четда қолмайди. "Шўртан газ-кимё мажмуаси" реконструкция қилиниши муносабати билан паст босимли газ қонидан қишлоққа қувур тортиб келишни мўлжаллаяпти. Агар шу лойиҳа амалга ошса, қишлоқ тўлиқ табиий газ билан таъминланади. Қишлоқдаги газ қувурларининг кесиб кетилганидан, очиги, хабарим йўқ, ишга келганимга энди саккиз ой бўлди.

Бутон қишлоғи аҳолисининг бир машина сувини 180 — 200 минг сўмга сотиб олаётгани мени ажаблантиряпти. Ахир биз хусусий автомобиль эгаларига 16 минг сўмга тўндириб берамиз, — дейди "Қашқадарё сув таъминоти" МЧЖнинг Фузор тумани филиали раҳбари Сарвар Сафаров. — Бу масалани катъий назоратга оламиз. Аҳоли Қамаш туманидаги Чим қишлоғидан келтирилаётган сувини сотиб олишяпти экан. Балки масофа узоқлиги учун сув нархи баяндадир. Аммо биздан сув олиш, ўртача 100 минг сўмга тушади.

Тан олиш керак, Фузор тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси бор-йўғи 2 фоизни ташкил этгани боис ўтган йили 177 километр масофага қувур тортиб, қатор манзиларни сув билан таъминладик. Жорий йилда 8 минг тонна сув сиғимига эга иккита янги резервуар қурдик. Асосийси, Бутон қишлоғига яқин масофадан сув қувури ўтган. Агар шу қувур

орқали қишлоққа сув олиб борилса, бу муаммо ҳам ҳал бўлади.

— Ҳақиқатан, Бутон қишлоғи ўртасидан ўтган 6 километр йўл бизнинг балансимизга қарайди, — дейди Фузор йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бўлим бошлиғи Суннат Кўчқоров. — Жорий йилнинг биринчи чора-қорда ёгингарчиллик кўп бўлгани туфайли маблағ ажратилмади. Хулосамизини пойтахтга юборганимиз, кўриб чиқиб маблағ шакллантирилса, қишлоқ йўллари асфальт қилинади.

...Қишлоқ одамлари билан суҳбат асосида тушунидикки, юртимизда кечаётган ҳаётбахш ислохотларга, янгиланишларга дахлдорлик ҳисси уларга ҳам бегона эмас. Эртани-кечни, ўзлари истикомат қилаётган қишлоқ ҳам обод, кўркам бўлишига айланганига ишонганимиз. Фақат муаммоларни ҳал этиш учун туман раҳбарлари улар билан тенг-тез мулоқот қилиб туришини, тақлифларини тинглашини ва берилган ваъдалар амалда бажарилишини истайдилар.

Кўриниб турибдики, бу қишлоқда муаммолар кўп, аммо барчасининг ечими бор. Юқорида Фузор тумани газ таъминоти бўлими раҳбари келтирган Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 февралдаги қароридан мазкур тумани ободонлашти